

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ 1 ЁШДА!

Марғилон шаҳридаги Рақамли технологиялар маркази фаолият бошлаганига бир йўл тўлганлиги муносабати тантанали байрам тадбири ташкил этилди.

Унда вилоят ҳокими ўринбосари Ф.Қосимов, шаҳар ҳокими А.Зиявитдинов, Ахборот коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Фарғона вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Ю.Фофуров, ТАТУ проректори Файзулла Арибжанов. ТАТУ Фарғона филиали директори Акбарали Расулов, ФАПИ ректори Ўқтам Саломов ҳамда марказ ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўз олганлар томонидан марказда амалга оширилган ишлар ҳамда эришилган ютуқлар эътироф этилди.

Шундан сўнг бир йил давомида қўлга киритилган муваффақиятлар ва эришилган натижалар бўйича марказ ходимлари томонидан тайёрланган тақдимотлар ўтказилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, технопарк биноси бир вақтнинг ўзида **200 дан** ортиқ иш ўринга мўлжалланган бўлиб, хозирги кунда ушбу марказда **30** нафарга яқин марказ ходимлари, **50** нафардан ортиқ фрилансерлар ҳамда **20** нафарга яқин вилоятдаги IT корхоналари бир жамоа бўлиб фаолият юритмоқда.

Марказда ташкил этилган ўқув курслари қаторига “Бир миллион ўзбек дастурчилари”, Робототехника, Рақамли технологиялар саводхонлиги, Киберспорт, Дастурлаш тиллари, Веб дастурлаш, SMM, Графика ва видеомонтаж, Андроид иловалар яратиш ва Бизнесс мактаб курслари киради. Курслар бўйича жами **394** нафар ёшлар таълим олмоқдалар. **2000** нафардан ортиқ ёшлар эса марказ битирувчиларига айланиб шулардан **100** нафардан ортиқ ёшлар марказда ўз фаолиятларини давом эттиromoқдалар.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати
2021-08-27 16:44:23